



220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-51-807, faks:31-52-425

2020 йил «19» Март

№ 618н

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

Фуқаро Курязова Инобат Анязовнага
Боғот тумани “Дехқонобод” маҳалласи
худудида жойлашган қурилиши
тугалланмаган “Савдо ва маиший хизмат
кўрсатиш шаҳобчаси” биносига бўлган
эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида

Боғот тумани “Дехқонобод” маҳалласида яшовчи фуқаро Курязова Инобат Анязовнанинг Боғот тумани “Дехқонобод” маҳалласи худудида жойлашган қурилиши тугалланмаган “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 7 февралдаги ХО-К-408-сонли аризасини, Боғот туман ҳокимининг 2015 йил 23 июлдаги 1343-сонли қарорини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 7 февралдаги 557-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 7-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Боғот тумани “Дехқонобод” маҳалласи худудида жойлашган жами қурилиш ости майдони 163,68 квадрат метр, умумий ер майдони 300,0 квадрат метрдан иборат бўлган ушбу қурилиши тугалланмаган «Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси» биноси фуқаро Курязова Инобат Анязовнага ушбу мулкни тўлиқ қуриб фойдаланишга топширилмагунга қадар сотиш ёки бошқача тартибда бегоналаштирмаслик шарти билан эгалик ҳуқуқи белгилансин.

2. Фуқаро Курязова Инобат Анязовна ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси” биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчиси С.Хўжаниёзов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими

О.Холбоев